ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР
КЕНГАШИ ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI XALQ
DEPUTATLARI XIVA SHAHAR
KENGASHI QARORI

2019 йил 20 декабрь **№ 26-115** **Хива шаҳри**

Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йилги асосий параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ589-сонли Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Хива шаҳри бюджетини қабул қилиш бўйича Хоразм вилояти Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Хоразм вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Хоразм вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 52-209-сонли қарорига асосан 2020 йилги Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг айланма касса маблағи 552 000,0 млн.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қонуннинг 19-моддасига асосан қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан олинадиган солиқ.

б) Хоразм вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "2020 йил учун Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети тўғрисида"ги 52-209-сонли қарорининг 4-иловасига асосан қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ва шаҳар бюджети ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Қонуннинг 21-моддасига асосан, шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари туман бюджети ҳисобидан амалга оширилади);

б) шаҳар бюджетидан:

фукароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

2020 йил учун Шаҳар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Шаҳар бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2020 йил учун шаҳар бюджети заҳира жамғармаси ҳажми бюджет умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини бюджетда кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорилари йиллик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов миқдорларидан вилоят бюджетидан ажратилган трансфертнинг 50 фоизи айирилгандан қолган маблағнинг 2 фоизи миқдорида белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида назарда тутилаётганлигини инобатга олиб шаҳар бюджети 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 552 000,0 минг сўмга белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

Шаҳар ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича

ҳисоботларини Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига киритилишини таъминласин.

Шаҳар ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Халқ депутатлари Шаҳар Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

Бюджетдан маблағ олувчи муассаса ва ташкилотлар тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

Тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

Шаҳар ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

Республика вазирлик ва идоралари, шу жумладан вилоят бошқарма ва ташкилотлари Ишчи гуруҳлари томонидан шаҳарда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган “Йўл харита”лари, баёнлари билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин..

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA SHAHAR HOKIMI
PROTOKOL QISMI

Сессия раиси **С.Жуманиязов**

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2019 йил «20»декабрдаги
26-116-сонли қарорига
1-илова

Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Миқдори
	ЖАМИ	**44 221 234**
1	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	10 073 403
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	10 019 919
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 234 000
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	5 912 300
	шу жумладан:	
	- арақ	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*5 912 300*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 804 000
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 442 062
8	Юридик шахслар ер солиғи	1 892 000
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 428 000
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	6 000
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	50 000
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Ижара тўлови	46 000
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
16	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	4 695 120
17	Мобил алоқага акциз солиғи	2 618 430

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2019 йил «20» декабрдаги
26-115-сонли қарорига
2-илова



Хива шаҳар бюджети харажатларининг 2020 йилги кўрсаткичлари

минг сум

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**44 221 234,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**42 283 368,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	**1 937 866,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бўлими**	**2 972 687,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 972 687,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**5 535 476,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 535 476,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	**9 639 012,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 639 012,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бўлими**	**2 444 875,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 444 875,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 813 458,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 813 458,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**597 458,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	597 458,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Молия бўлими**	**2 529 216,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	591 350,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	1 937 866,0
8	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**7 798 099,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 798 099,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Ҳокимият**	**9 798 485,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 798 485,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**678 064,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	678 064,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Пенсия жамғармаси худудий бўлими**	**414 404,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	414 404,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2019 йил «20» декабрдаги
26-115-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан Хива шаҳар маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови
1	Хива шахар		100	44	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2019 йил «20» ДЕКАБРдаги
26-115-сонли қарорига
4-илова

Хива шаҳар маҳаллий бюджетининг заҳира жамғармаси миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Заҳира жамғармалари миқдори**
1	Хива шахар	654 000

Халқ депутатлари
Хива шаҳар Кенгашининг
2019 йил «20»ДЕКАБРдаги
26-115-сонли қарорига
5-илова

Хива шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Хива шахар	**552 000**